

ИЗЛАНИШ

2502-автоколонна бутунги кунда пойтахтимизнинг 58 та ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома тузиб ишлапти. Автоколонна буюртмачилари орасида Тошкент товар станцияси, «Ташкорстрой», 1 ва 2-пайфазал фабрикалари, абразив комбинати, асбосозлик бирлашмаси ва бошқалар мавжуд.

Коллектив бир неча ой қолоқликдан сўнг план тошйирларини адо эта бошлади. Корхона ишларини қайта қуриш, мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш план тошйирларини адо этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Корхонанинг асосий иш натижалари юк ташиш кўрсаткичлари билан ўлчанади. Октябр ойида автоколонна ҳайдовчилари пландаги 269 минг ўрнига 282,3 минг тонна юкни зарур участкаларга етказиб, бу соҳадаги кўрсаткичнинг 104 процент бўлишини таъминлади.

Йил бошидан буюн эса пландаги 2 миллион 687 тонна ўрнига 2 миллион 723,6 минг тонна юк халқ ҳўжалиги объектларига етказиб берилди.

Асосий кўрсаткичларини таъминлаш, зарур объектларга имкон борича кўпроқ юк етказиб бериш мақсадида принципалдан унумли фойдаланилпти.

Юк ташиш кўрсаткичининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,4 процента ўсганлиги ишдаги силжишнинг яққол далилидир.

Бугунги кунда автоколоннадаги ҳар бир ҳайдовчининг меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи 100,5 процентини ташкил этапти. Бу натижа ўтган йилнинг уч ойлик якунларига нисбатан 6,9 процента кўп.

Кўрсатилган процентлар кўруқ рақамлар эмас. Улар корхона ҳайдовчилари орасида ҳақиқий қайта қуриш бошланганлиги, ишчиларнинг масъулиятни чуқур ҳис қилаётганлиги, уларнинг дунёқароши ўзгараётганлиги, ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам талабчанлигини ошираётганликларидан ҳолат бериб турибди.

Бундан бир неча ой бурун ишчилар демократик асосда автоколонна бошлиғи лавозимига Борис Михайлович Халамезерни сайлаган эдилар. Ёўлажак раҳбар йилгиланлар эътиборига ўзининг иш программасини ҳавола қилган эди. Бу программда ҳайдовчилар ва слесарларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, дам олиш хоналари барпо этиш, янги ва унумли иш методларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Энг қувончлиси шунки, автоколоннадаги ишончли одам бошлиқ бўлиши бу ерда кизгин ишларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди.

Янги раҳбар ва бош инженер яқинда Москва ва Химкида бўлишиб, у ерда шофёрларнинг бригада ва ижара пудрати асосида амалга ошираётган ишлари билан танишдилар. Корхоналарда меҳнатни ташкил этишда қўлгана тадбирларни амалга ошириш мумкинлигини ўрганиб қайтдилар. Бу тадбирларнинг аксариятини автоколоннада ҳам амалга ошириш мумкин. Борис Михайлович Халамезер бу ҳақда қўндағиларини ҳикоя қилиб берди:

— Автокорхонамизда меҳнат коллектив кенгашининг қарорига биноан ижара пудрати асосида ишловчи махсус бригада ташкил этилди.

Бу бригада Тошкент товар станцияси ихтиёрига берилди. Ҳозирча коллективда 60 та ҳайдовчи бйрлашган. Улар янги методда катта умид боғлашгилар. Қўлаверса, ишнинг юксак унумидан ҳайдовчилар

нинг ҳаммаси манфаатдор. Чунки қанчалик кўп иш бажарилса, ишчиларнинг маошлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Автоколоннаиш илгорларидан бири Иброҳим Тоҳиров янги ишга етакчилик қилляпти. Бу методнинг афзалликларини вақт кўрсатади деб ўйлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда янги иш услубларини амалда қўллаш жуда кўп корхоналарда ўз самарасини берапти.

Лекин ички имкониятлардан тўла фойдаланиш ҳам меҳнат ютуқларининг асосий фактори бўлиши мумкин.

Мазкур автоколоннада машиналарнинг унумли ишлаши, уларнинг сифатли ремонт қилинишида Ҳайрулла Ёўлдошев бошлиқ участка коллективининг ҳиссаси катта. Бу коллектив ўз сафларида 72 та слесарь, 2 диспетчер ҳамда 6 мастери бйрлаштилади. Ремонт зонасининг бу участкаларидаги силжиш автоколонна ишига жиддий таъсир кўрсатяпти.

Машиналарни ахтиёт қисмлар билан таъминлашнинг яхши йўлга қўйилаётганлиги слесарлар учун ҳам, ҳайдовчилар учун ҳам жуда қўл келяпти. Участка бошлиғи коллективнинг илгорларини ҳўрат билан тилга олади. Надежда Остапенко, Турсун Саримсоқов, Собих Носиров ва Иброҳим Тоировлар машиналар самарадорлигининг ўсишига муносиб ҳисса қўшяптилар.

Автоколонна партия ташкилотининг секретари Баҳодир Каримович Рихиев ҳам илгорлар рўйхатини давом эттирди:

— Анатолий Зайкин, Геннадий Андреев, Владимир Татарин, Владимир Морозов, Геннадий Сафин, Евгений Осипов, Владимир Крапивинларнинг меҳнатидан ҳаммамиз хурсандимиз. Уларни коллективнинг бошқа аъзоларига ҳар қанча ўрнат қилиб кўрсатсақ арзийди. Коллектив ютуқларида бу пешқадамларнинг ҳиссаси беънис.

Автоколонна ўз илгорлари билан ҳар қанча фахрлана арзийди. Уларнинг тажрибасини омалаштириш коллектив учун нйҳоятда муҳим.

Қўлаверса, корхона бугунги кўрсаткичлар билан чекланиб қолмаслиги зарур, ички имкониятлар бир талай. Уларнинг энг асосийлари автоколонна паркидан фойдаланиш коэффициентини юқори кўтариш. Ҳар кун 100 машинадан 80—90 таси ҳаракатда бўлиб, қолганларининг турли сабаблар билан паркида қолиши ишдаги йўқотиш эмасми?

Автоколонна принципалдан фойдаланиш эвазига планни бажарилпти. Агар паркида қолаётган 10—20 машина ҳам принцип билан доимий ҳаракатда бўлса, иш кўрсаткичлари янада юқори бўлиши мумкин.

Қўлаверса, ҳаракатдаги машиналар унумдорлигини янада ошириш ҳам диққатга сазовор. Машиналар зарур участкаларга юкни ташлаб, ораига бўш қайтиб кетишади. Бунга қанча-қанча бензин сарф бўлади, қўлаверса, вақт нетади. Машиналарнинг ана шундай бўш ҳаракатларига чек қўйиш йўллари излаш керак.

Автоколонна раҳбарлари бу имкониятлардан ҳам фойдаланишса, нур устига аъло нур бўладилар.

2502-автоколонна коллективни ҳозир астойдил изланишда. Изланиш ва интилишлар натижасида у яқин келгусида шаҳарнинг энг илгор корхоналари сафидан муносиб ўрин олса ажаб эмас.

В. МАДИМАРОВА.



Маҳалла ҳақида қисқача ахборот: 1963 йилда ташкил этилган, ҳозир 500 онла иштирокчи қилади, улардан 220 таси кўп болали оқиллардир. Маҳаллада 20 дан оид йиллаб вакили, 27 Улуғ Ватан уруши ветерани, 4 фан доктори, 50 фан кандидати, Ўзбекистон ССР халқ шоири бор. Маҳаллани 21 аъзодан иборат комитет бошқаради. Улардан 14 нафари коммунистлар, 10 нафари уруш ва меҳнат ветерани, 2 нафари республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, бири халқ шоирдир.

— Маҳалламиз кўпмиллатли. Шунинг учун ҳам асосий эътиборимизни интернационал аъзоларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратамиз. — дейди маҳалла комитетининг раиси, уруш ва меҳнат ветерани Нишон Асадов. — Миллий байрамлар, тўйларга барча миллат вакиллариини таклиф қиламиз. Уй-жойларнинг ремонтини, кўча ва ховлиларини ободонлаштиришни биргаликда ҳар шар йўли билан бажарамиз.

Уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида эътиборимизда. Улар билан гоҳ маҳалла клубида, гоҳ 168-мактабда учрашувлар ўтказиб турамыз. Урушда ҳалок бўлган маҳаллодошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш мақсадида ҳашар йўли билан ёдгорлик қўйди. Бу ишга шоир Пулат Мўмин ва Тоҳир Қорабоев бошқоқ бўлди. Ветеранларга эсдалик совғалар шу ерининг ўзида тантанали топирилади. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, Совет Армияси сафларида хизмат қилишга тайёрлашда ҳам мактаб ва ҳарбий комиссариат билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Собийк интернационализи-жангчилар билан учрашувлар, армияга қақирловчиларни тантанали кўзатиш, ёшларга паспорт топириш маросимларини, «Жасорат дарслари» каби тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. Бу ишларга ветеранларимиз Тоҳир Яхёев, Анвар Раҳимовлар раҳбарлик қилишмоқда.

— Биз ўз эътиборимизни маҳалла хотин-қизлари ўртасидаги муаммоларни ечишга қара-

тамиз, — дейди маҳалла хотин-қизлар Советининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Муҳаммад опа Одилова. — Клубимизда жамоатчилик асосида «Моҳир кўлар» тўғарги очганимиз. Бичиш ва тишиш курсларида уй бекалари, ишлаймиш юрган собий мактаб ўқувчилари касб ўрганишапти. Кўп болали оналарни ишга жойлашга, уйда касана-чилик билан шўғулланишларига ёрдамлашмоқдамиз. Натижада 200 дан ортиқ маҳаллодошларимиз ижтимоий-фойдали меҳнатта жалб қилинди.

Маҳаллада «Олтин тўйлар» ўтказиш ҳам анъанага айланган. ЗАГС ходими уларнинг исм-шарифларини махсус «Олтин тўйлар дафтарига» қайд қилиб, эсдалик совғалари топирилади. Кейин ақиллардан бири ёшларга уларнинг ибратли ҳаётлари тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Бу тантаналарда район маданият уйининг «Умид» ансамбли мунтазам қатнашади. Бу ишларда маҳалла активларидан Раҳима Тўхтаўжаева, Мактуба Ҳошимова, Мухайё Қодировалар бошқоқ...

Маҳаллани айланимиз: кўчалар, хиёбонлар озода. Клубда, ветеранларини эъзозловчи стендлар, «Моҳир кўлар» тўғарги аъзоларининг ишларидан намуналар, бошқа маҳалла ва республика ҳаётининг турли жаҳалларини акс эттирувчи фотоальбомлар ҳам бу ердаги ибратли ишларга гувоҳлик бериб турибди... Ёшлар билан ишлаш комиссияси ёрдамида тез-тез турли учрашувлар ташкил қилинади. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи педагогика фанлари доктори, профессор Манзура Ҳамидова билан бўлган учрашууда таширф буюртган бола тарбияси, онлада ота-она ва фарзандларнинг ўрни ҳақидаги мароқли суҳбатнинг гувоҳи бўлдилар. Педагогика фанлари доктори Раҳим Усмоновнинг ёшлар ўртасидаги жиниятчиликлар олдини олиш муаммоларига бағишланган суҳбатда район миллий қисаси вакили ва прокуратура ходимлари ҳам қатнашди. Шоир Пулат Мўмин, республика Соғлиқни сақлаш министри С. Бахромов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Г. Одилова билан бўлган турли мавзуларда бағишланган кечалар ҳам маҳалла аҳлида катта таассурот қолдирди.

Маҳалла ташвишлари ва қувончлари

Ҳувайдоликлар ташаббуси

район маҳаллалари кунини» ўтказилган, улар қаторида ҳувайдоликлар ҳам бор эди.

Мана, ордан бир йил ўтди. Амалга оширилган ишлар якуни яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида кўриб чиқилди ва ушбу маҳалла комитетининг иш тақрибаси ҳам маъқулланиб, кенг омалаштиришга тавсия этилди. Бу катта қувонч эди. Ҳўш, бу ютуққа маҳалла аҳли қандай эришди?

— Яқинда маҳалланинг «Намунали хонадони» ва «Намунали кўчаси» конкурсини ўтказдик, — дейди Нишон Асадов. — Бу ажойиб мусобақада Лаборатория кўчаси ва Ҳувайдо президидагилар ғолиб чиқиди. Хонадонлар бўйича эса Мўминов, Ортиқўжаев, Ҳакимовлар оқиллари биринчилигини қўлга киритишди.

Маҳаллада депутатлар билан ишлашни ҳам яхши йўлга қўйганмиз. Натижада муаммоларни ечиш тезлашяпти. Маҳалламизда яқинда 39-болалар поликлиникаси қурилиб ишга туширилди, янги кутубхона очилди, канализациялар шаҳар тармоғига уланди, йўллар асфальт қилинди, транспорт ҳаракати яхшиланди. Бу ишларини амалга оширишда район ва шаҳар Советининг депутатлари Заҳро Юсупова, Озод Асқаровларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Яқинда Октябр район Совети ижроия комитети қошида маҳаллалар бўйича координация кенгаши тузилди. Ҳувайдо номли маҳалла комитети ҳам бу кенгаш билан доимий алоқада. Кенгаш маҳаллаларда олиб борилаётган яхши анъаналар, қилинаётган ишлар бўйича семинарлар ташкил этиб, ҳар бир маҳалла комитетига бошқа маҳаллалар ишларини билан таништишга, тажриба алмашишга ёрдамлашмоқда.

Умуман маҳалла комитети аҳоли ижтимоий турмушининг барча соҳаларини демократлаштириш, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишга одамларни кенгроқ жалб этишда, партия ва ҳўкуматимизнинг кўрсатмаларини амалга оширишда ижобий натижаларни қўлга киритяпти.

Ҳувайдоликлар тажрибасидан эса ўрнат олса арзийди.

А.АХМЕТОВ.

«Тошкент оқшоми» муҳбири.

© Октябр районидан Ҳувайдо номли маҳалла ҳаётидан лавҳалар.

Т. Каримов фотолари.

Республика бўйлаб

«Амударё» совхозида ҳайда-ладиган ерларнинг деярли ҳаммаси оилавий пудратчиларга бириктириб қўйилган. Бу ерда 124 коллектив пахта етиштирмоқда. Яна 30 коллектив озука экинлари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш билан шўғулланади. Оилавий заводаларнинг кўпи ҳозирги кунда пландан ташқари пахта топириб, ўз коллективлари меҳнат ҳақини қўпайтириб бормоқда.

Республика Дон маҳсулотлари министригининг тажриба-механика заводида нон ташийдиган контейнерлар тайёрлана бошлади. Бу яқин йилларда нон-булка маҳсулотларини ташийш ва реализация қилиш ишларини таоминла прогрессив усулга ўтказиш имконини беради. Бу усул маҳсулотларини

қўлда ортиш ва туширишга барҳам бериб, нонининг печдан дўконгача олиб бориладиган вақтини қисқартиради. Йил охиригача заводда икки мингта ана шундай контейнер чиқариш планлаштирилмоқда. Уларни ишлаб чиқариш кўпая бораверади. Шу кўнчага бу маҳсулотни Ўзбекистонга болтиқ бўйи ва Сибирдан келтиришар эди.

«Булунгур» совхозида Булунгур районидан биричи кишлоқ видеообари очилди. Бар кооперативга қарашли бўлиб, бу ерда мазали овқатланиш, чой ичиш, музика тинглаб, қиз-қарли фильм томоша қилиш мумкин.

Тошкент районидан Карл Маркс номли колхоз теплицаларида ҳосилдорлик чорак

ҳисса ортди. Йил бошидан бери бу ерда 150 минг сўмлик қўшимча даромад олинди. Бунинг сир шундаки, мавсум давомида теплица гектарига уч литр ҳисобидан микроэлементлар қоришмаси — «Бодринг витаминлари» билан икки мартадан чанглатиб чиқилди. Бу составни Тошкент Давлат университети ҳузуридаги амалий физика институтини «Магнетрон» комплекс ижодкор ёшлар коллективини ўйлаб топди. Фан билан ҳўжалик ўртасидаги воситачилик ролини илмий ишланмаларини жорий этишга кўмаклашувчи Тошкент маркази ўйнади. Мазкур марказ экспертиза ўтказиш ҳам ташкил қилдики, бу экспертиза маҳсулот сифати аъло даражада эканлигини кўрсатди.

[ЎЗАТ].



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС мухбирлари ёздаилар

МОСКВА - ДЕҲЛИ: ОСИЁГА ТИНЧЛИК, БУТУН ДУНЁГА ТИНЧЛИК

ДЕҲЛИ Декларациясида ўз ифодасини топган янгича сиёсий фикрлаш принциплари ҳусусида дунёда янада кенг фикр-мулоҳаза юритилмоқда. Ўртача ва қамроқ олислик ракеталярини тутатиш тўғрисидаги шартнома-нинг имзоляниши, Афғонистонга доир Женева битимлари, Шарий Осиде, Жануби-Гарбий Африкада ва жаҳондаги бошқа районларда можароларини бартараф этиш йўлида эришилган киёбий силжишлар — бу ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилинганидан ва унинг ақтуаллигиндан далолат беришмоқда. Олий даражадаги Совет-Ҳиндистон учрашувининг якунлари ҳусусида билдирилган халқаро фикр-мулоҳазаларининг асосий мазмунини ана шундай.

● ДЕХЛИ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг визитини Ҳиндистонда қисқа муддатли, аммо натижа-ларига кўра нйҳоятда сериоз-мун ва муҳим визит деб ата-моқдалар. Ҳиндистон Ташки-шлар министригининг расмий вакили таъкидлаганидек, Деҳли учрашуви СССР ва Ҳиндистон алоқалари халқаро май-дода муҳим роль ўйнаётган-лигини ана бир бор тасдиқла-ди. Учрашув чоғида ҳар икки томоннинг тинчлик ва тарақ-қиёт манфаатлари йўлида ик-ки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш муддолоари яқ-қол намоиш этилди.

● М. С. Горбачевнинг Ҳинди-стонга визити дўстлигимизни мустаҳкамлаш ва бирлаштириш учун қудратли омил бўлди, — деб ёздади «Нешл геральд» газетаси. — Бу визит М. С. Гор-

бачев билан Р. Ганди тинчлик-ни мустаҳкамлаш, қуролсизла-ниш ва ривожланиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш ния-тида эканликларини кўрсатди. М. С. Горбачевга Индира Ган-ди номили муқофот берилиши совет раҳбарининг бу мақсад-ларни таъминлаш ва эришишга қўшган ҳиссасига берилган юк-сак баҳо бўлди.

● ТОКИО. Олий даражадаги Совет-Ҳиндистон баёнтонида, деб ёздади Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси, Афғонистон-га доир Женева битимларини бузавётган муайян кўчларнинг бузуғунилик сиёсатидан таш-виш низоҳ этилганлиги диққат-ни жалб этади. СССР билан Ҳиндистон, деб давом этади газета, БМТ БШ секретарига мурожаат қилиб, БМТ БШ Ас-самблеясининг Афғонистонга қар-ши резолуцияси унга берган маънафати кенчиктирмай ишга солишга даъват этади. Резолю-

цияда кенг негизда ҳўкумат тузиш учун афғонлар ўртасида муявоқот ўтказиш зарур экан-лиги таъкидланган.

СССР билан Ҳиндистон, деб ёздади «Санэй симбар» газе-таси, Ҳинд океанида барча чет эл ҳарбий базаларини тутатиш ва у ерда янги базалар бар-по этилишига йўл қўймаслиқ учун изчиллик билан кураш-моқдалар. Улар мазкур реги-онда чет эл ҳарбий кўчларини қўпайтиришга уринишларини қоралаб, Ҳинд океанига доир халқаро конференцияни тезда, 1990 йилдан кечиктирмай ча-қиритишга қатъий даъват этмоқ-далар.

● ПРАГА. Кейинги икки йил-ичидаги воқеалар шунини кўр-сатдики, сиёсий ирода мазмуд бўлса, ҳавфсизроқ ва адолат-лироқ дунё янги концепцияси ялпи эътироф этилиши мумкин, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси. Халқаро муносабат-ларни демилитарлаштириш, демократиялаш ва инсоний-лаштириш зарур. Милитаризм, ўзравонлик ҳамда дунёни ҳар-бий иттифоқларга бўлиб кў-риш позициясидан туриб сиё-сий юртиш, шубҳаланиш ва душманлиқни келтириб чиқар-иш ва булар бартараф этилиши керак. Миллий чегаралардан ташқарида ҳеч қандай ҳарбий базалар ёки таъчи пунктлари бўлмаслиги керак, деб таъ-кидлайди газета.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЭСЛАВ ҚОЛИНГЧИ

Маҳаллий маъмурлар-нинг қарори билан Буюк Британиядаги энг узуи аҳоли пункти номи нисбатан қисқартирил-ди. Ана шу айтариш кат-та бўлмаган инглиз қиш-лоқларидан бирининг но-ми сўнгги вақтгача жами 58 ҳарфдан ташкил топ-ган сузалардан иборат бў-либ, таржумаи тахминан: «Хлантасимо тез ўққон олдидаги, қизил гўр ик-нидаги оқ ёнғоқзор водий-сида жойлашган муқаддас Мария черкови» деб жа-ранглар эди. Ана шу но-ми қишлоқда маҳаллий меҳмонхонанинг ишбилар-мон ҳўжайини қўйган бў-либ, у ана шундай йўл билан ўн туққизинчи аср-да туристларни жалб эт-моқчи бўлган экан.

РЕКОРД НАРХДА

Ас қиймати 1 пенс ту-радиган почта маркаси Лондондаги аукционда... 71 минг 500 фунт стер-лингга сотилди. Мазкур қиймат ким онда савдоси таъкидчиларининг тах-минидан ўч баварар олиб кетди. Гап «қора пенни» номиин олган қора фонда қиролча Викториянинг тасвири туширилган маш-хур маркалар ҳақида ке-тайти. Мутахасссларнинг фикрига қараганда улар энг дастлабки марка-лар ҳисобланади.

